



МОЛИЯВИЙ РИСКЛАРНИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Саидов Хабибулла Шавкат угли

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети

«Бухгалтерия хисоби ва аудит» факультети талабаси

khabibullasaidov@gmail.com

Аннотация: Ушбу мақолада иқтисодиётни эркинлаштириш натижасида молиявий рискларни баҳолаш усулларини такомиллаштиришда Ўзбекистон Республикаси саноат корхоналарининг риск ва ноаниқлик муҳитида фаолият олиб бориши ва унинг натижасида юзага келадиган муаммолар кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан олиб борилган тахлил натижасида миллий иқтисодиётда риск муҳитида саноат корхоналарининг барқарор фаолият олиб бориши учун таъсир қиладиган тизимли муаммолар аниқланган.

Калим сўзлар: менежер, иқтисодий барқарорлик, риск, рискларни бошқариш, риск тахлили, саноат корхоналари, стратегия.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, ҳар қандай ислоҳот ва ўзгаришни барқарор иқтисодиётсиз амалга ошириб бўлмайди. Биз ўтган йил давомида бу борада кенг кўламли ишларни бошладик. Лекин миллий иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш, юртимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун олдимизда ҳали кўплаб вазифалар турибди [1]. Бу каби кўплаб вазифаларни амалга ошириш учун замонавий Ўзбекистонда бугунги кунда очиқ ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини тўла шакллантириши учун радикал макроиқтисодий қайта қуриш олиб борилмоқда ва тез суръатларда иқтисодиётни либераллаштириш жараёнининг амалга оширилиши кузатилмоқда. Шу муносабат билан ушбу жараёнларда Ўзбекистон саноат корхоналарининг хўжалик юритиш фаолият механизми ва уларнинг иқтисодий эркинлик даражасида ҳам беқиёс даражада тубдан ўзгаришлар кузатилади. Бундан кўринадики, бозор иқтисодиётининг ноаниқликка асосланган ва ўзгарувчан шароитида корхоналар фаолиятида рискнинг пайдо бўлиши ва уларни



бошқариш энг жиддий ва долзарб масалага айланади. Тан олиш керак, ҳозирда риск муҳитида Ўзбекистон саноат корхоналарининг ташқи муҳит омилларининг таркибий қисмлари: давлат ҳокимияти ва молия институтлари билан муносабатлар, технологик ва ишлаб чиқариш қувватлари билан таъминланганлик, ахборотлар ва уларнинг ошқоралиги ва очиқлиги, таъминотчи ва маҳсулот сотиб олувчи корхоналар ҳамда истеъмолчилар кабилар билан бўлган ўзаро муносабатлар ҳам беқиёс даражада тубдан ўзгариши зарур, бироқ ханузгача ушбу муносабатлар қатъий рақобатли бозор шартларига жавоб бермайди ва саноат корхоналари фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини ўсишини таъминлай олмаяпти. Саноат корхоналари менежерларининг риск муҳитида фаолият олиб бориш кўникмаларининг йўқлиги ва уни бошқаришнинг самарали тизимга эга эмаслиги вазиятни янада мураккаблаштирмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон саноат корхоналари фаолиятида рискларни олдини олиш, камайтиришнинг илмий асосланган чоратadbирларини ишлаб чиқиш ва уларни бошқаришнинг ташкилий-услубий механизмини тадқиқ этиш ўта долзарб ҳисобланади.

«Хавф», «хатар», «хавф-хатар» ибораларига ўзбек тилининг изоҳли луғатида бирор кўнгилсиз ҳодиса ёки фалокат юз бериши эҳтимоллиги, бирор бахтсизликка, фалокатга олиб келиши мумкин бўлган шароит, бирор нарсадан кўрқиш деб таъриф берилади. «Хавф», «хатар», «хавф-хатар» ибораларини бу каби изоҳлашдан кўриниб турибдики, бу тушунчаларнинг маъноси аниқ бир шароит ва вазият билан чамбарчас боғлиқ бирон-бир ҳодисага қаратилаётганлигини, номаълум, қутилмаган ҳолатлар бўлиши мумкинлигини билдирмоқда. қанчалик ўйлаб иш қилинмасин, олдиндан қанчалик ҳисоб-китоб ва чамалаб иш тутилмасин, барибир қутилмаган ҳодисалар рўй бериши турган гап ва унинг олдини олиш мушкул бўлади. Шунинг учун риск иборасини хавф, хатар тушунчалари билан алмаштириш бу хатолик ҳисобланади. Шунингдек, ушбу иборалар маъно ва ўз фаолияти жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилгани ҳолда улар бир-бири билан узвий боғлиқ жараён бўлиб бир-бирини тақозо этади. Риск бор жойда албатта, хавф-хатар мавжуд бўлади. Бизнинг фикримизча, ишлаб чиқарувчининг риск муҳитидаги фаолияти хавф, хатарни юзага келтиради ва бу фаолият эса юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларнинг



эҳтимоллик кўрсаткичлари орқали баҳоланади. Демак, ишлаб чиқарувчи олдинда турган хавф-хатар, унинг келтирадиган фойда ёки эҳтимолий зарарларини билган ҳолда таваккал фаолият олиб боради, аммо шуни эътироф этиш керакки, риск муҳитида хавф-хатар даражаси катта бўлса, таваккалга йўл қўймаслик маъқулдир, чунки бу ҳолатда ижобий натижа нолга тенглашади, яъни бу икки миқдор ўртасида шундай боғлиқлик мавжудки, улардан бирининг аҳамиятли миқдори қанча марта кўпайиши муносабати билан уларнинг бошқаси, шунча марта камаяди ёки аксинча.

«Таваккал» ва «Таваккалчилик» ибораларнинг маъноси ҳақида сўз юритадиган бўлсак, «таваккал» тушунчаси узок мулоҳаза қилиб ўтирмай, «нима бўлса бўлар, ё остидан, ё устидан зайлида қилинган ҳаракат» маъносида талқин қилинади. «Таваккалчилик» тушунчаси эса таваккалчи, таваккал билан иш қилувчи маъносини беради. Зеро, риск ўзининг миқдорий ҳажмига ва сифатий даражасига эга фаолиятдир. Ишлаб чиқарувчи ўз фаолиятини нима бўлса бўлар, тақлидидаги гардкам фаолиятга асосан эмас, ҳисоб-китоб қилинган, ўз ҳошишига эга, охириги натижаси аниқ бир хўжалик фаолияти яқуни билан белгиланади. Тадқиқот нуқтаи-назаридан адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, кўплаб адабиётларда риск тушунчасига хавф эҳтимоли ёки омадсизлик сифатида қаралмоқда. «Молиявий қарор қабул қилиш китобида» китобида Т. Маликов рискка қуйидагича таъриф беради.

«Зарарларнинг вужудга келиши ёки даромадларнинг кўзда тутилган даражадан камроқ олинишига риск дейилади». «Замонавий бизнесда риск» китобида П.Г.Грабовий эса «риск» тушунчаси маъносида «Корхоналар юзага келиши мумкин бўлган хавф остида ўзларининг бир қисм ресурсларини йўқотиши, кўзланган даромадга эга бўла олмаслик ёки ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятни амалга ошириш натижасида қўшимча ҳаражатларнинг юзага келиши тушунилади» - деб айтиб ўтилади. Риск муаммосига бағишланган юқоридаги ва қуйидаги иқтисодий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, тадқиқотчилар ўртасида рискни талқин қилиш бўйича ягона фикр мавжуд эмас. Профессор И.А. Бланк корхона rischi тушунчасига ноаниқлик муҳитида унинг молия-хўжалик фаолиятини олиб бориши натижасида даромад ёки капитални йўқотиш шаклидаги салбий оқибатларнинг



юзга келиши эҳтимоллиги деб таъриф бериб ўтган. Шунингдек, рус олимлари И.Крилатых, М.Лапуста, Н.Хохловлар рискка ресурсларни йўқотиш, фойда ололмаслик эҳтимоллиги ёки кутилмаган йўқотишларни юзага келиш эҳтимоллиги деб таъриф берадилар. Профессор Б.Милнер ва профессор Ф.Линс риск компания кутилаётган натижани ола олмаган ҳолларда салбий натижа эҳтимоллигини ўзида акс эттиради деб ҳисоблайдилар.

Шунингдек, рискни фаолият элементи сифатида қараб, унинг оқибати кутилмаган натижаларни юзага келтирадиган фаолият унсури сифатидаги қарашлар билан И. Балабанов, С. Ефимовлар ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Ю.Кинеев, К.Сирополис, К.Николастар, В.Хрипач, Г. Сушалар рискка нисбатан қуйидагича талқин бериб ўтишади, яъни корхонанинг молиявий хўжалик фаолиятдан ҳам ижобий, ҳам салбий натижа олиш мумкин бўлган фаолиятдир. Шунингдек рискка - эҳтимоллик категорияси сифатида қараб, уни аниқ йўқотишлар эҳтимоллиги сифатида баҳолашимиз мумкин деган қирралари ҳам юзага келади. Я.Р. Рейлян ҳам ўз тушунчаларида рискни ташқи муҳитнинг турли хил ҳолатларида, турли имкониятларни амалга ошириш натижаларини бир-бирига мувофиқ келмаслиги билан боғлайди. Бизнинг ўзбек иқтисодчи олимларимиз, хусусан, профессор М. Адҳамов «Таваккалчилик - бу иқтисод нуқтаи-назаридан, фойдадан маҳрум бўлиш ва бошқа сабабларга кўра зарар кўриш сингари ёмон оқибатлар рўй бериш эҳтимоли билан ифодаланади» деб изоҳласа, М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаевлар «Таваккалчилик-бу бирон иш билан шуғулланиш оқибатида зарар кўриб қолишдан қутилиш хавфи» деб ўзининг илмий адабиётларида рискни фаолият йўналиши сифатида қараб, уни амалга ошириш натижасида ўз ресурсларидан ва даромаддан тўла ёхуд қисман йўқотиш хавфи сифатида қарайдилар.

Ўрганилган адабиётлар муаллифлари томонидан риск тушунчасига берилган таърифлари 1 - жадвалда келтириб ўтилган. Юқоридаги таҳлиллардан рискни фақатгина омадсизлик, хавф-хатар, йўқотишлар каби салбий оқибатларни юзага келтирувчи имконият эмас, балки, бизнинг фикримизча риск - бу корхонанинг хавф-хатар билан боғлиқ ноаниқлик муҳитида фаолият олиб бориши ва иқтисодий



субъектга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган жараёнларнинг сабаб ва оқибати берадиган натижа -кўзланган режани амалга ошириш ёки ошира олмаслик ва фойда ёхуд зарар каби эҳтимолий натижаларни берадиган объектив иқтисодий категория деб қараш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқорида таъкидланганидек, саноат корхоналари миқёсида юзага келадиган рискларнинг моҳиятини очиб бериш, тасниф қилиш, уларни юзага келтирувчи ички ва ташқи омилларни ўрганиш, рискларни баҳолаш усуллари, уларни камайтириш муаммолари мамлакатимиз иқтисодиётида жуда кам ўрганилган. Буларнинг барчаси саноат корхоналари фаолиятида риск муаммосини тадқиқ этиш зарурлиги ҳақида хулоса қилишга олиб келади. улоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш, Ўзбекистонда риск ва ноаниқлик муҳитида саноат корхоналарини ривожланишини таъминлаш учун энг бизнинг фикримизча аввало қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- корхоналарда риск ва ноаниқлик муҳитида корxonанинг ривожланиш стратегиясини мукамал ишлаб чиқиш ва у бўйича таҳлил тадбирларини амалга ошириш тизимини йўлга қўйиш ва бу бўйича менежерларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириш;

- менежерларда риск даражасини бошқариш имкониятлари таҳлили, рискдан қочиш ёки олдини олиш йўллариини ўйлаш, риск омиллари таъсирида юзага келадиган салбий оқибатларни олдини олиш ва бартараф этиш ҳаражатларини камайтириш йўллариини излаш кўникмаларини ривожлантириш;

- риск пайдо бўлишининг асосий йўналишларини аниқлаш, ҳодисалар салбий ривожланишининг юзага келиш сабабларини таҳлил қилиш, риск омиллари таъсирида юзага келадиган иқтисодий оқибатларни олдиндан баҳолаш ва риск омилларининг юзага келиш эҳтимолини ҳисобга олиш асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборот базани яратиш;

- тўла қувват билан ишлай олмайётган, асосий фондларининг жисмоний эскириш даражаси юқори бўлган саноат корхоналарини бутунлай тугатиш ва уларнинг ўрнида замонавий инновацион корхоналарни қуриш амалиётига ўтиш;
- саноат



корхоналарининг илғор техника ва технологияларни сотиб олишига давлат ёрдамини янада жонлантириш;

- мамлакатимизда фаолият олиб бораётган саноат корхоналарининг хўжалик фаолиятини ривожлантиришда демонополистик чора тадбирларни олиб бориш;

- давлатга қарашли бўлган корхоналарни хусусийлаштиришни жадаллаштириш ва уни тадбиркорларга сотиш, шундан сўнг ҳам уларни давлат оралиқ назоратини йўлга қўйиш;

- корхоналар фаолиятида янги турдаги замонавий, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб қувватлашни кучайтириш ва натижани қатъий талаб қилиш;

- банк тизимини либераллаштириш - уларга эркинликларни бериш асосида ўзларининг асосий вазифаси — жамғармаларни жалб этиш ва бу маблағларни сармоёга айлантириш вазифасига асосий эътибор қаратиш, солиқ тизими ва божхона сиёсатини такомиллаштириш;

- тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш;

- кўплаб меъерий ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва қабул қилинган, аммо улар ишламайди ёки янги қабул қилингани бошқа ҳужжатларга зид келади, бу каби номуносибликни бартараф этиш.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь, №258 (6952).
2. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. - Т.: «Меҳнат», 1997 й. 165 бет.
3. Абдуллаев Ё, Бобоқулов Кредит: 100 саволга 100 жавоб.- Т.: «Меҳнат», 1996 й. 80 бет.
4. Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: «Молия», 2002 й.
5. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: «Меҳнат», 1995 й. 387 – бет.
6. Балабанов И.Т. Риск - менеджмент. - М.: «Финансы и статистика», 1996. 45б
7. Грабовий П.Г. и др. Риски в современном бизнесе - М.: Аланс, 1999.



8. Петров С.Н. Проблемы распределения рисков. / “Проблемы теории и практика управления”. № 5, 1999. с 108.

9. Ақобиров С.Ф., Алиқулов Т.А., Ибрагимов С.И. ва бошқалар; Маъруфов З.М., таҳрири остида. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - М.: Рус тили, 1981й. 310б., 319б.